**ЖОРИЙ ТАЪМИРЛАШГА ОИД**
**ШАРТНОМА № 92954**

**Нарпай тумани** **«3» июн 2022 йил**

**“Нарпай Агро Траде”МЧЖ** кейинги ўринларда ”Бажарувчи” деб юритилади. Ўзининг низоми асосида иш юритувчи И.Исматов бир томондан ва Нарпай тумани Ободонлаштириш бошқармаси (корхона, ташкилот, муассаса номи), кейинги ўринларда “Буюртмачи” деб юритилади, ўзининг (низоми, устави, ишончнома) асосида иш юритувчи Ш.Рузиев номидан, иккинчи томондан мазкур шартномани қуйидагилар ҳақида туздилар.

## I. ШАРТНОМА ПРЕДМЕТИ

1.1. Мазкур шартнома бўйича "Бажарувчи" " Буюртмачи "га Нарпай туман Мушкент МФЙ ички юлларини жорий тамирлаш ишлари Л=1780 м учун (кейинги ўринларда - "Хизматлар" деб юритилади) хизмат кўрсатиш, "Буюртмачи" ушбу "Хизматлар"ни қабул қилиш ва қийматини тўлаш мажбуриятини ўз зиммасига олади.

1.2. "Хизматлар"нинг аниқ турлари, уларнинг сони, сифати ва нархи, шунингдек уларни кўрсатиш муддатлари мазкур шартноманинг таркибий қисми ҳисобланган иловада келтирилади.

## II. ТОМОНЛАРНИНГ ҲУҚУҚ ВА МАЖБУРИЯТЛАРИ

**2.1. " Буюртмачи "нинг ҳуқуқлари:**

2.1.1. "Бажарувчи"дан шартномани бажариш учун зарур бўлган амалдаги давлат стандартлари ва бошқа норматив ҳужжатлар билан таъминлашни талаб қилиш;

2.1.2. "Бажарувчи"дан "Хизматлар" " Буюртмачи "нинг ҳисобига транспортда ташилганда транспорт харажатларини қоплашни талаб қилиш;

2.1.3. "Бажарувчи"дан мазкур шартномага мувофиқ бериладиган кўрсатилишини буюртманомага мувофиқ тегишли сифатга эга бўлган "Хизматлар" кўрсатилишини талаб қилиш;

2.1.4. зарур сифатга эга бўлмаган "Хизматлар" кўрсатилган тақдирда ўз танлашига кўра:

- зарур сифатга эга бўлмаган "Хизматлар" шунга ўхшаш "Хизматлар" билан алмаштирилишини;
- "Хизматлар"нинг камчиликлари бепул бартараф этилишини ёки камчиликлар "Буюртмачи" ёхуд учинчи шахслар томонидан тўғриланиши харажатларини қоплашни;
- баҳосининг мутаносиб тарзда камайтирилишини талаб қилиш;

2.1.5. Шартнома шартлари бажарилмаганлиги ёки зарур даражада бажарилмаганлиги натижасида етказилган зарар қопланишини "Бажарувчи"дан талаб қилиш.

**2.2. "Буюртмачи"нинг мажбуриятлари:**

2.2.1. «Хизматлар»ни 2022 йилда бюджетдан ажратилган маблағлар доирасида “Бажарувчи” билан шартнома тузиш;

2.2.2. Ўз буюртманомаси бўйича кўрсатилган "Хизматлар"ни мазкур шартномага мувофиқ қабул қилиш;

**2.3. «Бажарувчи» қуйидаги ҳуқуқларга эга:**

2.3.1. Кўрсатилган "Хизматлар" учун олдиндан ҳақ тўланишини ва амалдаги қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ва ҳажмда узил-кесил ҳисоб килинишини "Буюртмачи"дан талаб қилиш;

2.3.2. Берилган буюртманомага мувофиқ кўрсатилган “Хизматлар”ни қабул қилиш асоссиз рад этилиши натижасида етказилган зарар копланишини “Буюртмачи”дан талаб қилиш.

**2.4. «Бажарувчи» қуйидагиларга мажбур:**

2.4.1. «Буюртмачи» билан тузган шартномаси Нарпай туман буйича Ғазначилик бўлинмасидан руйхатдан ўтказилгандан сўнг “Хизматлар”ни кўрсатиш:

2.4.2. "Буюртмачи"га "Хизматлар"ни мазкур шартномага мувофиқ ёки "Буюртмачи" томонидан мазкур шартноманинг 4.8-бандида назарда тутилган тартибда бериладиган унинг буюртманомасига мувофиқ муддатлар, сифат ва миқдорда кўрсатиш;

2.4.3. Агар "Хизматлар"ни кўрсатиш жараёнида "Бажарувчи" шартнома шартлари ва нормативлардан чекинишга йўл қўйган бўлса, "Буюртмачи"нинг талаби билан аниқланган барча камчиликларни 30 кун муддатда текин тузатиб бериш.

## III. ШАРТНОМАНИНГ БАҲОСИ ВА ҲИСОБ-КИТОБ ТАРТИБИ

3.1. 3.1. Мазкур шартнома бахоси 2022-йил 1-июндаги электрон савдо порталидаги ЛОТ № 92954 ракамли эълонга асосан ўтказилган танлов комиссиясининг № 92954 сонли баённомасига кура 955000000 (Туккиз юз эллик беш миллион) сумни 124565217 (бир юз йигирма турт миллион беш юз олтмиш беш минг икки юз ун етти) сум 15%ККСни ташкил этади.

3.2. Нарпай туман Мушкент МФЙ ички юлларини жорий тамирлаш ишлари Л=1780 м учун учун олдиндан 30% тулов амалга оширилади

3.3. Кўрсатилган "Хизматлар" учун пул кўчириш йўли билан нақд пулсиз тартибда ҳисоб-китоб қилинади.

## IV. ШАРТНОМАНИНГ БАЖАРИЛИШИ

4.1. Шартнома мазкур шартнома ва қонун ҳужжатлари шартлари ва талабларига мувофиқ зарур тарзда бажарилиши керак. Агар томонлар ўз зиммаларига қабул қилинган барча мажбуриятлар бажарилишини таъминласа, шартнома бажарилган деб ҳисобланади.Шартнома жорий таъмирлаш муддати 2022 йил 3-июндан 2022 йил 2-июлгача № 92954 сонли баённомасига кура белгиланди.

4.2. Шартнома бажарилишини бир томонлама рад этишга ёки шартнома шартларини бир томонлама ўзгартиришга йўл қўйилмайди, конун ҳужжатларда белгиланган ҳоллар бундан мустасно.

4.3. "Хизматлар" қабул қилиш-топшириш далолатномалари тузилган сана шартномалар бўйича мажбуриятлар бажарилган сана ҳисобланади. “Буюртма”чининг Ҳисоб-китоб ҳужжатида ғазначилик бўлинмаларининг штампида кўрсатилган сана "Хизматлар"га ҳақ тўлаш бўйича "Буюртмачи" мажбуриятлари бажарилган сана ҳисобланади.

4.4. "Буюртмачи" муддатлар бузилган ҳолда кўрсатилган "Хизматлар"ни қабул қилишни рад этишга ҳақлидир.

4.5. Назарда тутилган миқдордан ортикча бир номда "Хизматлар" кўрсатилиши ушбу ассортиментга кирувчи бошқа номдаги кўрсатилмаган "Хизматлар" ўрнини тўлдириш сифатида қаралмайди ва кўрсатилмаган "Хизматлар"нинг ўрни тўлдирилиши керак, бундай "Хизматлар" "Буюртмачи"нинг олдиндан берилган ёзма розилиги бўйича кўрсатилган ҳоллар бундан мустасно.

4.6. Кўрсатилган "Хизматлар" бевосита "Буюртмачи"нинг масъул ходими томонидан далолатнома бўйича қабул қилинади. Далолатномада кўрсатилган "Хизматлар" миқдори, уларнинг сифати кўрсатилади.

4.7. Шартномада назарда тутилган "Хизматлар" кўрсатилиши мазкур шартномага мувофиқ ёки "Буюртмачи"нинг буюртманомаси кўрсатилган муддатлар ва ҳажмда мазкур шартномада кўрсатилган давр мобайнида амалга оширилади. Ушбу мақсадларда "Бажарувчи" Буюртмачиларнинг буюртманомаларини рўйхатдан ўтказиш дафтарини юритади. Буюртманома "Хизматлар"нинг тегишли қисмларини кўрсатиш мўлжалланаётган санасигача камида 5 кун олдин почта орқали ёки бошқача тарзда берилади. Буюртманомани қабул қилишда "Бажарувчи"нинг ходими "Буюртмачи"да қоладиган нусхага санани кўрсатган ҳолда у қабул қилинганлиги тўғрисида белги қўяди.

4.8. "Буюртмачи" илгари берилган буюртманомани бекор қилишга ёхуд "Хизматлар"нинг тегишли қисмларини кўрсатиш санасини ўзгартиришга ҳақлидир, бу ҳақда "Бажарувчи"ни буюртманомада кўрсатилган сана бошланишидан камида 1 кун олдин хабардор қилади.

## V. ТОМОНЛАРНИНГ ЖАВОБГАРЛИГИ

5.1. Кўрсатилаётган "Хизматлар" сифати, миқдори "Бажарувчи" томонидан нотўғри аниқланиши, уларнинг қиймати нотўғри белгиланиши ва ундирилиши ҳоллари аниқланган тақдирда "Бажарувчи" кўрсатилаётган "Хизматлар"нинг сифатини, шунингдек уларнинг миқдорини ҳисобга олган ҳолда қайта ҳисоб-китоб қилади, ҳисоблаб чиқилган ушбу суммадан ташқари буюртмачига нотўғри ҳисоб-китоб қилинган сумманинг 20 фоизи миқдорида жарима тўлайди.

5.2. Агар кўрсатилган "Хизматлар"нинг сифати, ассортименти, навлари стандарт, техник шартлар талабларига, намуналарга (эталонларга) ёки шартномада белгиланган бошқа шартларга жавоб бермаган тақдирда, айбдор томон кўрсатилган, сифати зарур даражада бўлмаган "Хизматлар" қийматининг 20 фоизи миқдорида жарима тўлайди.

5.3. "Хизматлар" кўрсатиш бўйича шартномада назарда тутилган мажбуриятлар бажарилиши рад этилганлиги учун "Бажарувчи" "Буюртмачи"га белгиланган устамалардан ташқари кўрсатилиши керак бўлган "Хизматлар"нинг 25 фоизи миқдорида жарима тўлайди. Жаримадан ташқари, "Бажарувчи" "Буюртмачи"га "Хизматлар" кўрсатилмаслиги натижасида етказилган зарарни тўлайди.

5.4. Хизматлар кўрсатиш кечиктирилган ёки тўлиқ кўрсатилмаган тақдирда "Бажарувчи" "Буюртмачи"га кечиктирилган ҳар бир кун учун мажбурият бажарилмаган қисмининг 0,5 фоизи миқдорида пеня тўлайди, бироқ бунда пенянинг умумий суммаси кўрсатилмаган "Хизматлар" қийматининг 50 фоизидан ортиқ бўлмаслиги керак. Пеня тўланиши шартнома мажбуриятларини бузган томонни шартномани зарур тарзда бажаришдан ва "Хизматлар" кўрсатиш муддати кечиктирилиши ёки тўлиқ кўрсатилмаслиги туфайли етказилган зарарлар қопланишидан озод этмайди.
5.5. Кўрсатилган "Хизматлар" учун ўз вақтида ҳақ тўланмаганда "Буюртмачи" "Бажарувчи"га муддати кечиктирилган ҳар бир кун учун кечиктирилган тўлов суммасининг 0,4 фоизи миқдорида махсус ҳисобрақамидан пеня тўлайди, бироқ бу кечиктирилган тўлов суммасининг 50 фоизидан ортиқ бўлмаслиги керак.
5.6. "Буюртмачи" томонидан тегишли контрактация шартномаси бажарилмаганлиги ёки зарур даражада бажарилмаганлиги учун "Буюртмачи"ни жавобгарликка тортишда шунингдек унинг хатти-ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) "Буюртмачи" томонидан контрактация шартномаси бўйича шартнома мажбуриятлари бажарилмаслигига (зарур тарзда бажарилмаслигига) олиб келган "Бажарувчи"нинг жавобгарлиги ҳам кўриб чиқилади. "Бажарувчи"нинг айби билан контрактация шартномасининг
Буюртмачи" томонидан бажарилмаслиги (зарур тарзда бажарилмаслиги) натижасида етказилган зарар белгиланган тартибда "Бажарувчи" томонидан қопланади.
5.7. Мазкур шартномада назарда тутилмаган томонларнинг жавобгарлиги чора-тадбирлари фуқаролик қонунчилиги нормаларига мувофиқ қўлланилади.

## VI. НИЗОЛАРНИ ҲАЛ ЭТИШ ТАРТИБИ

6.1. Келишмовчиликлар ва низоли масалалар келиб чиққан тақдирда, томонлар, қоидага кўра, мустақил равишда уларни судгача ҳал этиш чораларини кўрадилар.
6.2. Томонлар келишмовчиликлар ва низоларни ҳал этиш учун бевосита судга мурожаат қилишга ҳақлидир.

## VII. ШАРТНОМАНИНГ АМАЛ ҚИЛИШИ

7.1. Мазкур шартнома 2022 йил «3» июндан 2022 йил «31» декабргача амалда бўлади.
7.2. Томонлар ўртасидаги муносабатлар улар томонидан мазкур шартноманинг барча шартлари бажарилган ва ҳисоб-китоб тўлиқ тугалланган тақдирда тўхтатилади.

## VIII.Томонларнинг коррупсияга қарши курашиш бўйича мажбуриятлари

8.1. Шартнома бўйича ўз мажбуриятларини бажаришда томонлар коррупсияга қарши курашиш бўйича қоидаларга, шу жумладан амалдаги қонунларга риоя этилишини таъминлайди; моддий ёки номоддий наф олишдан тийилиши лозим. Томонлар ушбу ҳаракатларнинг олдини олиш бўйича чора-тадбирлар қабул қилинишини кафолатлайди.

8.2. Томонлар коррупсияга қарши қоидалар бузилганда ёки асосли гумонлар юзага келганда дарҳол ёзма равишда (електрон почта орқали) ёки ишонч телефони орқали бир-бирини хабардор қилиш мажбуриятини олади. Бунда томонлар юзага келган ҳолатга ойдинлик киритиш мақсадида ёзма изоҳ талаб қилиш ҳуқуқига эга ва мурожаатни олган томон 10 (ўн) иш куни мобайнида тушинтириш бериши ёки ўз фикрини билдириши мумкин.

**8.3. Мазкур бобнинг талаблари бажарилмаганда, шу жумладан белгиланган муддатда коррупсион хавф-хатар бартараф этилмаса, томонлар амалга оширган чоралар коррупсион ҳолатни пасайишига олиб келмаса, бошқа томон шартномани бекор қилиш ҳуқуқига эга ёки унинг ижросини тўхтатиб қўйиши мумкин.**

## IX. ФОРС – МАЖОР.

9.1. Тарафлардан бири шартноманинг енгиб булмайдиган куч, яъни фавкулодда муайян шароитда олдини олиб булмайдиган вазиятлар (табиий офатлар, нокулай об-хаво шароити, хукумат тадбирлари, хокимият органларининг карорлари, харбий низолари, ички тартиббузарликлар ва бошка табиий офатлар) форс – мажор туфайли бажарилмаган ёки лозим даражада бажарилмаганлиги исботланса жавобгар булмайди.
9.2. Мазкур шартнома бажармаган ёки лозим даражада бажарилмаса томонлар Узбекистон Республикаси «Хужалик юритувчи субъектлари фаолиятининг шартномавий – хукукий базаси тугрисида»ги конуни ва Узбекистон Республикасининг бошка амалдаги конунлари талаблари буйича жавобгар булади.

## X. ЯКУНИЙ ҚОИДАЛАР

10.1. Мазкур шартнома томонларнинг келишувига кўра ёки бошка томон шартнома шартларини жиддий равишда бузган тақдирда, томонлардан бирининг талаби бўйича суд тартибида бекор қилиниши мумкин.
10.2. Мазкур шартномага ҳар кандай ўзгартириш ва қўшимчалар улар ёзма шаклда содир этилиши ва томонларнинг бунга зарур даражада вакил қилинган вакиллари томонидан имзоланиши шарти билан ҳақиқий ҳисобланади.
10.3. Мазкур шартнома томонларнинг ҳар бири учун бир нусхадан икки нусхада тузилади. Шартноманинг барча нусхалари тенг юридик кучга эгадир.
10.4. Мазкур шартнома, унга ўзгартиришлар (қўшимчалар рўйхатдан ўтказилгандан кейин бажарилиши керак.

## XI. ШАРТНОМАНИНГ ҚОНУНИЙ КУЧГА КИРИШИ

**11.1.** 2014 йил 1 январдан амалга киритилган Ўзбекистон Республикасининг БЮДЖЕТ КОДЕКСИ ҳамда Ўзбекистон Республикаси Адлия Вазирлигида 2016 йил 22 декабрда 2850-сон билан рўйхатдан ўтказилган “Ўзбекистон Республикаси бюджет тизими бюджетларининг ғазна ижроси Қоида”лари (Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида 2016-йил 22 декабрда 2850-сон билан рўйхатдан ўтказилган)га асосан, мазкур 955000000 (Туккиз юз эллик беш миллион) сум №-92954 сонли шартнома 2022-йил «2» июнда 2 нусхада тузилиб тарафлар томонидан имзоланиб, Нарпай тумани бўйича Ғазначилик бўлинмасида белгиланган тартибда руйхатдан ўтказилгандан сунг қонуний кучга киради.

## XII. КАФОЛАТЛАР

Пудратчи кафолат беради: - барча ишларни тўлиқ ҳажмда ва ушбу шартнома шартларида белгиланган муддатларда бажариш; - лойиҳа хужжатлари ва қурилиш нормалари, қоидалари ва техник шартларга мувофиқ барча ишларни бажариш сифати; - ишларни қабул қилишда аникланган камчилик ва нуқсонларни ўз вақтида бартараф этиш.

## XIII. КАФОЛАТЛАР

Буюртмачи қуйидаги ҳолларда шартномани бекор қилишни талаб қилишга ҳақли, пудратчи томонидан шартнома кучга киргандан сўнг, буюртмачига боғлиқ бўлмаган сабабларга кўра қурилишни бир ойдан ортиқ муддатга кечиктириш; Пудратчининг ўз айби билан иш жадвалига риоя қилмаслиги, агар ушбу шартномада белгиланган ишларни бажариш муддати бир ойдан кўпроққа кўпайган бўлса. Пудратчи қуйидаги ҳолларда шартномани бекор қилишни талаб қилишга ҳақли; Пудратчига боғлиқ бўлмаган сабабларга кўра Эгаси томонидан ишларнинг бажарилишини бир ойдан ортиқ муддатга тўхтатиб туриш: Қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа асосларда. Буюртмачи ва пудратчининг қўшма қарори билан шартнома бекор қилинганда, тугалланмаган қурилиш бир ой ичида буюртмачига ўтказилади, у тўлайди. Пудратчи томонидан бажарилган ишларнинг қиймати

## XIV, ТОМОНЛАРНИНГ ЮРИДИК МАНЗИЛЛАРИ ВА БАНК РЕКВИЗИТЛАРИ

«Бажарувчи »

Номи: **“Нарпай Агро Траде” МЧЖ**
Манзил:Нарпай туман
Тел/факс: +998933172662
Шх/в: 20208000000975007001

Банк номи: АТ Халк Банки Нарпай филиали
МФО: 00731 ИНН:305635843
ОКОНХ:
Рахбар: И.Исматов ______________
(Ф.И.Ш) (Имзо)

*Ҳуқуқшунос* ______________________
*Лицензия (диплом) № берилган санаси:*
№____________________ 20______ йил
«____________________________ 2022 й ___________(Имзо)

«Буюртмачи»

Номи: Нарпай туман Ободонлаштириш бошкармаси
Манзил: Нарпай т Ногорахона МФЙ
Тел/факс: 4321528

Шх/в 401722860182187045204110006.
Банк номи: : Марказий банк Тошкент ш. ББХККМ
МФО: 00014 ИНН: 200718943 ОКОНХ:

Раҳбар Ш.Рузиев ______________
(Ф.И.Ш) (Имзо)
Нарпай тумани бўйича Ғазначилик
бўлинмаси х/р 23402000300100001010
Марказий банк Тошкент ш ББХККМ
МФО -00014
ИНН-201122919 ОКОНХ- 97160

*Ҳуқуқшунос*______________________
*Лицензия (диплом) № берилган санаси:*
Гувохнома №-__________________________ йил
«________»__________________ 2022 й __________(Имзо)

IJRO.GOV.UZ тизими орқали ЭРИ билан тасдиқланган, Ҳужжат коди: YY5181814823

**O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASI ADLIYA VAZIRLIGI**
**SAMARQAND VILOYATI ADLIYA BOSHQARMASI**
**NARPAY TUMAN YURIDIK XIZMAT KO‘RSATISH MARKAZI**

141200. Narpaytumani,Nog‘oraxonamahallasi “Kamalak”ko‘chasi
el.pochta: narpayyurmarkaz@adliya.uz

---

2022-yil 02-uyun Oqtosh shahri

**Narpay tuman obodonlashtirish boshqarmasi** va **“Narpay Agro Trade” MCHJ”** o‘rtasida tuzilgan 2022-yil 02-uyundagi **“Narpay tumani “Mushkent” MFY ichki yo‘llarini joriy ta’mirlash ishlari”** bo‘yicha pudrat shartnomasi loyihasi yuzasidandan:

HUQUQIY XULOSA:№

Mazkur shartnoma loyihasini O’zbekiston Respublikasi Fuqarolik Kodeksi, “Xo‘jalik yurituvchi subyektlar faoliyatining shartnomaviy-huquqiy bazasi to‘g‘risida”gi Qonuni va boshqa qonun hujjatlari asosida huquqiy ekspertizadan o‘tkazib:

- Shartnoma loyihasiniig amaldagi qonun hujjatlari talablariga javob berishini va qonunga mos holda tuzilganligini;
- Tomonlarning shartnomada ko’rsatilgan mulkiy javobgarliklari va o’zaro nizolarni hal qilish yo‘llari O‘zbekiston Respublikasining Fuqarolik Kodeksi hamda «Xo‘jalik yurituvchi subyektlar faoliyatining shartnomaviy-huquqiy bazasi to‘g‘risida»gi qonuni asosida belgilanganligini shuningdek mazkur lot 92954 elektiron tizimidagi ball tizimida eng yaxshi tanlov texnik shartlari asosida inson omilisiz baholanganligini aniqladim.

Yuqoridagilarga asoslangan holda shartnoma loyihasini qonun hujjatlari asosida tuzilgan deb hisoblayman va tomonlarga uni imzolashni tavsiya etaman.

**Bosh yuriskonsult** **M.D.Mardiyev**
**02.06.2022**

Юрист исм фамилияси: MARDIYEV MEXRIDDIN DILSHOD O‘G‘LI

**“ТАСДИҚЛАЙМАН”**
**Нарпай туман Ободонлаштириш бошқармаси бошлиғи**

**_______________Ш.Рўзиев**

Нарпай туман Мушкент МФЙ ички йўлига асфальт қопламаси ётқизиш учун хизмат кўрсатувчи ташкилотлар ўртасида танлов ўтказиш бўйича комиссия йиғилиши

**БАЁНИ**

Нарпай туман «1» июн 2022 й.

Раислик қилувчи **Ш.Рўзиев**

Иштирок этган комиссия аъзолари:

| | |
|---|---|
| А.Эргашив | Котиб, хисобчи |
| М.Хужаев | Комиссия аъзоси, Булим бошлиги |
| Ф.Сафаров | Комиссия аъзоси, Булим бошлиги |
| Х.Махаммадиев | Комиссия аъзоси, Механик |
| Ю.Нурматов | Комиссия аъзоси, Мухандис мутахасис |

**КУН ТАРТИБИ:**

Нарпай туман Мушкент МФЙ ички йўлига асфальт қопламаси ётқизиш бўйича.

---

(*А.Эргашив,* М.Хужаев, Ф.Сафаров, Х.Махаммадиев, Ю.Нурматов)

Нарпай туман Ободонлаштириш бошқармаси томонидан 2022 йил 1 июнда Ўзбекистон Республикаси Товар ва хом-ашё биржасининг электрон порталига Нарпай туман Мушкент МФЙ ички йўлига асфальт қопламаси ётқизиш бўйича №92954-лот рақами билан эълон жойлаштирилди. Мазкур лот бўйича 2022 йил 1 июндаги энг яхши таклифларни танлаш савдосини ўтказиш бўйича давлат харидлари комиссиясининг электрон портали орқали шаклланган Нарпай туман Мушкент МФЙ ички йўлига асфальт қопламаси ётқизиш бўйича баённомасига асосан эълон якунига кўра Комиссия аъзолари томонидан “NARPAY AGRO TRADE” МЧЖ ғолиб деб топилганлигини инобатга олиб:

**ҚАРОР ҚИЛИНДИ:**

1. Ўзбекистон Республикасининг 2021 йил 22 апрелдаги “Давлат харидлари тўғрисида”ги 684-сонли Қонунининг 62-моддаси 3-бандига асосан комиссия баённомаси давлат харидлари электрон тизимига мухокама қилиш учун икки иш кунига жойлаштирилди. Икки иш куни давомида давлат харидлари электрон тизимига жойлаштирилган баённома бўйича хеч қандай эътирозлар ёки қўшимча таклифлар келиб тушмаганлиги маълумот учун қабул қилинсин.

2. Бош бухгалтери С.Холиқовга:

Юқоридагилардан келиб чиқиб ҳамда комиссия аъзоларининг 2022 йил 1 июндаги электрон баённомасига асосан ғолиб “NARPAY AGRO TRADE” МЧЖ билан қонунчиликда ўрнатилган тартибда шартнома тузилсин.

3. Техник назоратчи Д.Нарзиев махсулот сифат даражасини назорат қилинсин.

**Комиссия аъзолари**

А.Эргашив

М.Хужаев

Ф.Сафаров

Х.Махаммадиев

Ю.Нурматов

## Протокол закупочной комиссии по конкурсу лот № 92954 на приобретение M-37 avtomagistral yo‘lidan Mushkent MFY hududida yashovchi aholi punktiga qadar masofasi 1,3 km.ga teng ichki yo‘lini asfalt qilish ("So'fi Ziyrak" ziyoratgohiga olib boruvchi manzil)

Способ проведения электронный

Дата 01.06.2022

Время рассмотрения 01.06.2022 19:44

Конкурсная комиссия Нарпай туман Ободонлаштириш бошкармаси, (Далее – Комиссия) в составе:

| | | | |
|---|---|---|---|
| **Председатель комиссии** | RO‘ZIYEV SHAMSIDDIN BAXRAMOVICH | Председатель комиссии | НАРПАЙ ТУМАН ОБОДОНЛАШТИРИШ БОШКАРМАСИ |
| **Секретарь комиссии** | ERGASHEV ANVAR AVAZ O‘G‘LI | Бухгалтер | НАРПАЙ ТУМАН ОБОДОНЛАШТИРИШ БОШКАРМАСИ |
| **Член комиссии** | NURMATOV YUSUF SAPOYEVICH | Мухандис | НАРПАЙ ТУМАН ОБОДОНЛАШТИРИШ БОШКАРМАСИ |
| **Член комиссии** | XUJAYEV MAXMUD ISMATOVICH | Болим бошлиги | НАРПАЙ ТУМАН ОБОДОНЛАШТИРИШ БОШКАРМАСИ |
| **Член комиссии** | MAHAMMADIYEV HAMZA JO‘RAQULOVICH | механик | НАРПАЙ ТУМАН ОБОДОНЛАШТИРИШ БОШКАРМАСИ |
| **Член комиссии** | SAFAROV FAXRIDDIN KUZIYEVICH | Болим бошлиги | НАРПАЙ ТУМАН ОБОДОНЛАШТИРИШ БОШКАРМАСИ |

Рассмотрев поступивших предложений со стороны участников по опубликованному объявлению на специальном информационном портале от 01.06.2022 года № лота 92954.
Метод оценки предложений – Бальный метод (Весовой коэф.технико-квалификационной части: 90.00 / Весовой коэф. ценовой части: 10.00)

Мин. балл: 38

Предмет закупки:

| **Наименование товара (работы, услуги)** | **Услуга по текущему ремонту автомобильных дорог** |
|---|---|
| Подробное описание | M-37 avtomagistral yo‘lidan Mushkent MFY hududida yashovchi aholi punktiga qadar masofasi 1,3 km.ga teng ichki yo‘lini asfalt qilish ("So'fi Ziyrak" ziyoratgohiga olib boruvchi manzil) |
| Количество товара | 1.00 |
| Единица измерения | |
| Цена товара (услуги) за единицу | 955 882 353.00 |
| Стартовая сумма | 955 882 353.00 |
| Валюта | UZS |

По итогам рассмотрения поступивших предложений по технической части участникам присвоены следующие баллы:

Критерий №1 2-сон картотека мавжуд эмасилиги тўғрисида маълумот

Тип: Текстовое значение

Описание: Хужжат

Обязательность: Критично

| Наименование участника | Макс балл | Значение участника | Балл участника | Тип оценки | Примечание | Причина |
|---|---|---|---|---|---|---|
| **NARPAY TUMAN OBODONLASHTIRISH VA QURILISH UK** | 15 | Картотека мавжуд эмас | 15 | Экспертная | | |
| **MCHJ NARPAY AGRO TRADE** | 15 | Картотека мавжуд эмас | 15 | Экспертная | | |
| **NARPAY YUL X.T.P.T.F.K.** | 15 | Картотека мавжуд эмас | 15 | Экспертная | | |
| **NARPAY MAX TRANS M.CH.J** | 15 | 908086912 | 15 | Экспертная | | |

Критерий №2 Банкрот эмаслиги тўғрисида маълумот

Тип: Текстовое значение

Описание: Хужжат

Обязательность: Критично

| Наименование участника | Макс балл | Значение участника | Балл участника | Тип оценки | Примечание | Причина |
|---|---|---|---|---|---|---|
| **NARPAY TUMAN OBODONLASHTIRISH VA QURILISH UK** | 15 | Банкрот эмас | 10 | Экспертная | | |
| **MCHJ NARPAY AGRO TRADE** | 15 | Банкрот эмас | 15 | Экспертная | | |
| **NARPAY YUL X.T.P.T.F.K.** | 15 | Банкрот эмас | 15 | Экспертная | | |
| **NARPAY MAX TRANS M.CH.J** | 15 | 908086912 | 15 | Экспертная | | |

Критерий №3 ККС гувохномаси ва унинг фаоллиги тугрисида малумот

Тип: Текстовое значение

Описание: хужжат

Обязательность: Критично

| Наименование участника | Макс балл | Значение участника | Балл участника | Тип оценки | Примечание | Причина |
|---|---|---|---|---|---|---|
| **NARPAY TUMAN OBODONLASHTIRISH VA QURILISH UK** | 15 | ҚҚС фаол | 15 | Экспертная | | |
| **MCHJ NARPAY AGRO TRADE** | 15 | ҚҚС фаол | 15 | Экспертная | | |
| **NARPAY YUL X.T.P.T.F.K.** | 15 | ҚҚС фаол | 10 | Экспертная | | |
| **NARPAY MAX TRANS M.CH.J** | 15 | 908086912 | 7 | Экспертная | | |

Критерий №4 Бажариладиган ишлар тўғрисида маълумот

Тип: Текстовое значение

Описание: Хужжат

Обязательность: Критично

| Наименование участника | Макс балл | Значение участника | Балл участника | Тип оценки | Примечание | Причина |
|---|---|---|---|---|---|---|
| **NARPAY TUMAN OBODONLASHTIRISH VA QURILISH UK** | 15 | Ф-2 | 15 | Экспертная | | |
| **MCHJ NARPAY AGRO TRADE** | 15 | Ф-2 | 15 | Экспертная | | |
| **NARPAY YUL X.T.P.T.F.K.** | 15 | Ф-2 | 15 | Экспертная | | |
| **NARPAY MAX TRANS M.CH.J** | 15 | 908086912 | 15 | Экспертная | | |

Критерий №5 Инсофсиз ижрочилар ягона реестирида турмаслиги тўғрисида маълумот

Тип: Текстовое значение

Описание: Хужжат

Обязательность: Критично

| Наименование участника | Макс балл | Значение участника | Балл участника | Тип оценки | Примечание | Причина |
|---|---|---|---|---|---|---|
| **NARPAY TUMAN OBODONLASHTIRISH VA QURILISH UK** | 5 | Реестрда турмаймиз | 5 | Экспертная | | |
| **MCHJ NARPAY AGRO TRADE** | 5 | Реестрда турмаймиз | 5 | Экспертная | | |
| **NARPAY YUL X.T.P.T.F.K.** | 5 | Реестрда турмаймиз | 5 | Экспертная | | |
| **NARPAY MAX TRANS M.CH.J** | 5 | 908086912 | 3 | Экспертная | | |

Критерий №6 Корхона тўғрисида маълумот

Тип: Текстовое значение

Описание: Хужжатлар

Обязательность: Критично

| Наименование участника | Макс балл | Значение участника | Балл участника | Тип оценки | Примечание | Причина |
|---|---|---|---|---|---|---|
| **NARPAY TUMAN OBODONLASHTIRISH VA QURILISH UK** | 15 | Корхона хужжатлари тақдим этилмоқда | 5 | Экспертная | | |
| **MCHJ NARPAY AGRO TRADE** | 15 | Корхона хужжатлари тақдим этилмоқда | 10 | Экспертная | | |
| **NARPAY YUL X.T.P.T.F.K.** | 15 | Корхона хужжатлари | 10 | Экспертная | | |

| Наименование участника | Макс балл | Значение участника | Балл участника | Тип оценки | Примечание | Причина |
|---|---|---|---|---|---|---|
| | | тақдим этилмоқда | | | | |
| **NARPAY MAX TRANS M.CH.J** | 15 | 908086912 | 3 | Экспертная | | |

Критерий №7 Солиқ тўловларидан қарздор эмаслиги тўғрисида маълумот

Тип: Текстовое значение

Описание: Хужжат

Обязательность: Критично

| Наименование участника | Макс балл | Значение участника | Балл участника | Тип оценки | Примечание | Причина |
|---|---|---|---|---|---|---|
| **NARPAY TUMAN OBODONLASHTIRISH VA QURILISH UK** | 5 | Қарздорлик йўқ | 5 | Экспертная | | |
| **MCHJ NARPAY AGRO TRADE** | 5 | Қарздорлик йўқ | 5 | Экспертная | | |
| **NARPAY YUL X.T.P.T.F.K.** | 5 | Қарздорлик йўқ | 0 | Экспертная | Дисквалифицирован | |
| **NARPAY MAX TRANS M.CH.J** | 5 | 908086912 | 5 | Экспертная | | |

Критерий №8 Объектда ишлатиладиган қурилиш материаллари ва машина механизмлар тўғрисида маълумот

Тип: Текстовое значение

Описание: Хужжат

Обязательность: Критично

| Наименование участника | Макс балл | Значение участника | Балл участника | Тип оценки | Примечание | Причина |
|---|---|---|---|---|---|---|
| **NARPAY TUMAN OBODONLASHTIRISH VA QURILISH UK** | 5 | Ресурс тақдим этилади | 5 | Экспертная | | |
| **MCHJ NARPAY AGRO TRADE** | 5 | Ресурс тақдим этилади | 5 | Экспертная | | |
| **NARPAY YUL X.T.P.T.F.K.** | 5 | Ресурс тақдим этилади | 5 | Экспертная | | |
| **NARPAY MAX TRANS M.CH.J** | 5 | 908086912 | 5 | Экспертная | | |

Оценка участников финансовой части составила:

| Наименование участника | Стартовая сумма | Предлагаемая сумма | Дата предложения | Оценка стоимости (балл) |
|---|---|---|---|---|
| **NARPAY MAX TRANS M.CH.J** | 955 882 353.00 | 908 086 912.00 | 01.06.2022 17:17:53 | 10.00 |

| | | | | |
|---|---|---|---|---|
| **MCHJ NARPAY AGRO TRADE** | 955 882 353.00 | 955 000 000.00 | 01.06.2022 13:59:32 | 9.51 |
| **NARPAY TUMAN OBODONLASHTIRISH VA QURILISH UK** | 955 882 353.00 | 955 500 000.00 | 01.06.2022 13:51:34 | 9.50 |

Итоговая оценка участников включая финансовой части составила:

| Наименование участника | Общий балл по технической части | Общий балл по финансовой части | Итоговый балл |
|---|---|---|---|
| **NARPAY YUL X.T.P.T.F.K.** | Не прошел | Не прошел | Не прошел |
| **NARPAY MAX TRANS M.CH.J** | 68.0004 | 10 | 78.0004 |
| **MCHJ NARPAY AGRO TRADE** | 84.9996 | 9.50876 | 94.50836 |
| **NARPAY TUMAN OBODONLASHTIRISH VA QURILISH UK** | 74.9997 | 9.50379 | 84.50349 |

Закупочная комиссия по конкурсу лот № 92954 от 01.06.2022 года на приобретение M-37 avtomagistral yo‘lidan Mushkent MFY hududida yashovchi aholi punktiga qadar masofasi 1,3 km.ga teng ichki yo‘lini asfalt qilish ("So'fi Ziyrak" ziyoratgohiga olib boruvchi manzil) определила победителем:

MCHJ NARPAY AGRO TRADE
305635843

и резервный исполнитель: NARPAY TUMAN OBODONLASHTIRISH VA QURILISH UK (306647700)

Проголосовали

| Комиссия | Ф.И.О. | Голосование | Комментарии |
|---|---|---|---|
| **Член комиссии** | MAHAMMADIYEV HAMZA JO‘RAQULOVICH | Согласен | |
| **Председатель комиссии** | RO‘ZIYEV SHAMSIDDIN BAXRAMOVICH | Согласен | |
| **Член комиссии** | NURMATOV YUSUF SAPOYEVICH | Согласен | |
| **Член комиссии** | XUJAYEV MAXMUD ISMATOVICH | Согласен | |
| **Член комиссии** | SAFAROV FAXRIDDIN KUZIYEVICH | Согласен | |

Протокол закупочной комиссии подписан посредством ЭЦП